



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 04 | pp. 167-171 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ҚУРИЛИШ СОҲАСИНинг ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА ТАШКИЛИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



*Джабриев А.Н. (СамДАҚУ профессори)  
Тошимов А.Х. (СамДАҚУ докторанти)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада қурилиш соҳасининг инновацион ривожланишида ташкилий муносабатларни шакллантириш ва уни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган. Мақолада Самарқанд вилояти қурилиш корхоналаридағи бугунги ҳолат таҳлил қилинган ҳамда соҳага инновацияларни киритиш ва уни тарғиб қилиш масаласини илмий-услубий, ташкилий жиҳатдан ечиш бўйича тавиялар берилган.

**Калит сўзлар:** қурилиш комплекси, инновацион жараён, инновацион тизим, инновациялар диффузияси, кичик бизнес, йирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается формирование организационных отношений и их развитие в условиях инновационного развития строительной отрасли. В статье анализируется сложившаяся ситуация на строительных предприятиях Самаркандской области и даются рекомендации по научно-методическому, организационному решению вопроса внедрения инноваций в отрасль и ее продвижения.

**Ключевые слова.** строительный комплекс, инновационный процесс, инновационная система, распространение инноваций, малый бизнес, крупные строительные организации, малые предприятия и микропредприятия.

**Abstract.** This article examines the formation of organizational relationships and their development in the conditions of innovative development of the construction industry. The article analyzes the current situation at construction enterprises in the Samarkand region and provides recommendations on scientific, methodological, organizational solutions to the issue of introducing innovations into the industry and its promotion.

**Keywords.** construction complex, innovation process, innovation system, dissemination of innovations, small business, large construction organizations, small enterprises and microenterprises

Жаҳон иқтисодиётида инновацион жараёнларнинг тезлашуви уларнинг рақобатбардошлик мезонларининг олдинги қаторига олиб чиқмоқда. Бугунги кунда республикамизда инновацион жараёнларнинг иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида кенг қўлланилиши, хусусан, мамлакатимизда қурилиш соҳасининг жадал суратлар билан ривожланишига бевосита ижобий таъсир қилмоқда.

Далатимиз раҳбари томонидан ушбу долзарб масаланинг ташкилий жиҳатдан ечиш ва инновацион ривожланишнинг хуқуқий базаларини яратиш мақсадида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4464-сон карори. Ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида шакллантирилган хуқуқий асосларнинг мақсади мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал секторида фан-техниканинг инновацион ютуқларини қурилиш соҳасига кенг тадбиқ этиш тизимини шакллантиришдан иборатdir.

Бундай буюк мақсадни амалга ошириш учун комплекс ёндашувни амалга оширишни тақазо этади. Қурилиш соҳасининг инновацион ривожланиш масаласига келсак, унинг қурилиш соҳаси иштирокчиларини ва инвестицион-қурилиш жараёнининг барча жараёнларини эгаллаши керак. Айниқса, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири инсон капиталини ривожлантириш, ташкилотда янгиликларни кенг тарғиб қиласиган мутахассис-кадрлар салмоғини кўпайтиришга эътибор қаратилишдир. Бунинг учун қурилиш соҳасида нафақат ташкилий ва хуқуқий асослар, шу билан биргалиқда белгиланган мақсадга мос равища иқтисодий, илмий, технологик, ижтимоий ва интеллектуал механизмларнинг шакллантирилиши ва натижадор фаолият юритиши зарур бўлади.

Ушбу мақолада бизлар қурилиш комплексида инновацион жараёнларнинг ажralmas қисми, яъни инновациялар диффузияси юзасидан ўз қарашлаимизни билдиromoқчимиз. Олимлар томонидан адабиётларда инновациялар диффузияси атамасига турлича талқинлар берилган. Уларда инновацияларни кенг тарғиб қилиш ғояси илгани сурилади, ҳамда бу жараённинг техник, хуқуқий ва тижорат томонларини очиб беришга ҳаракат қилинади. Умуман олганда, инновациялар диффузияси атамаси қурилиш ташкилотлардаги хусусиятларни тўла акс эттиргмаган. Қурилиш соҳасида тижорат асосида инновацияларни тарғиб қилишга қизиқишиетарли эмас. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш соҳаси қатъий технологик талаблар ҳамда анъанавий жараёнларнинг устунлиги билан инновацияларнинг оммалашувига ўзининг қарашлари билан ажралиб туради. Ҳақиқатдан ҳам бир

қарашда қурилиш жараёнида технологиялар ўзгариши кузатилмайди. Айнан шу хатоликлар бир қатор кичик қурилиш корхона ва ташкилотларида инновацияларнинг аҳамиятини тушиниб етмасликдан далолат бермоқда.

Шундай экан, бу йўналишда қурилиш соҳасида кичик бизнеснинг фаолиятини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. 2023 йилнинг январь-декабрь ойларида Самарқанд вилояти бўйича жами 10 069,1 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,9 % ни ташкил қилган. Корхоналар бўйича ишларнинг таркибини қарайдиган бўлсак, жами қурилиш ишларидан йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари 1718,9 млрд. сўмлик (17,1 %), кичик корхона ва микро фирмалар 7347,1 млрд. сўмлик (73,0 %), норасмий секторда эса 1003,1 млрд. сўмлик (10,0 %) қурилиш-монтаж ишлари бажарилган<sup>1</sup>. Юқоридаги маълумотларга кўра, қурилиш-монтаж ишларининг 83,0 %и инновацион салоҳияти паст бўлган кичик корхона ва микро фирмалар томонидан амалга оширилган. Таҳлиллар шуни қўрсатмоқдаки, бундай ҳолатда қурилиш соҳасига янгиликларни жадал суръатлар билан киритиш ва уни тарғиб қилиш масаласини илмий, услубий ва ташкилий жиҳатдан ечишни тақазо этади.

Кичик бизнес корхоналари фақат бир ҳолатда янгиликлар ташувчиси бўлиши мумкин, яъни унинг таъсисчиси йирик илмий-инновацион корхоналар бўлиб, уларнинг асосий мақсади янгиликларни соҳага тадбиқ этиш бўлса. Бугунги қунда қурилиш соҳасига инновацияларни киритиш вазифаси асосан йирик қурилиш компаниялар зиммасига тўғри келмоқда. Замонавий қурилиш техникасини келтириш, янги технологияларга асосланган қурилиш жараёнларидан фойдаланиш, замонавий материаллар ва конструкцияларни қўллаш айнан йирик корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Йирик корхоналарнинг инновацияларни тарқатишида ташаббускор ролини ўйнаши қурилиш соҳасида уларнинг кенг тарқалишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимизнинг инновацион корхоналарга ҳам молиявий ҳам иқтисодий томонидан ёрдам берилиши қурилиш корхоналарининг ривожланиши учун инновациялар диффузиясининг ташкилий муносабатларни такомиллаштиришни талаб этади. Олиб борилган назарий изланишлар ва Самарқанд вилояти корхоналаридағи амалий кузатувлар натижасида ташкилий муносабатларни шакллантириш бўйича қўйидаги таклифларни бермоқчимиз:

- Инновациялар диффузиясининг иқтисодий, ташкилий ва хуқуқий асосларини яратиш. Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан яратилган инновацияларни кичик бизнес соҳасига тарғиб қилишда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш орқали рағбатлантирилиши мумкин. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг иқтисодий манфаатларини жамлаган ҳолда, уларнинг фаолиятини баҳолашда инновацион мезонларини киритилиши билан ечиш мумкин. Қурилиш соҳасида хусусий-шерикчилик асосидаги янги ташкилий-хуқуқий шаклларини жорий қилиш ҳам муаллифлик хуқуқларини бузмаган ҳолда инновацияларни тарқалишига хизмат қиласи;

<sup>1</sup> - <https://samstat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/9292-2023#yanvar-dekabr>

- Инновацияларнинг узлуксиз кириб келишини ташкилий механизмини шакллантириш. Биламизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ахборот соҳасидан фойдаланиш имкониятлари етарлича эмас. Шундай экан, қурилиш вазирлигининг тегишли тизими орқали жаҳоннинг соҳага оид яратилаётган барча инновациялар ҳақидаги ахборотларни мамлакатимизнинг қурилиш субъектларига етказиш масаласи ўз ечимини топмоғи лозим;

- Инновацияларни жорий этишда инсон капиталини такомиллаштириш жараёнларини янада кенгайтириш. Қурилиш ташкилоти ва корхоналарида инновацияларнинг кенг тарқатилиши малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиши сабабли “билимлар менежменти” назариясини амалда қўлланилишини тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ. Демак, янгиликлар корхона ва ташкилотлар миқёсида эмас, бироқ ҳар хил корхона ва ташкилотларнинг мутахассислари орасида узлуксиз тарқатилиши ва таъминланишига эришилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, юқорида келтирилган таклифларнинг қурилиш корхоналарида, хусусан кичик бизнес соҳаси ва норасмий секторда тадбиқ этилиши қурилиш соҳасида инновацион тизимни яратишга катта ҳисса қўшади деб фикрдамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони,
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони,
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сон Фармони,
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4464-сон қарори.
5. Алексеева, М. Б. Анализ инновационной деятельности: учебник и практикум для вузов / М. Б. Алексеева, П. П. Ветренко. – Москва: Издательство Юрайт, 2021. – 303 с.
6. Бозаров Х. ва бошқалар. “Инновацион менежмент” Ўқув қўлланма. Фарғона: НамМҚИ, 2022.
7. Буриев, Х. Т. "Повышение роли строительного комплекса в системе национального хозяйства республики Узбекистан." Вестник экономической науки Украины 1 (28) (2015): 155-156.
8. Buriyev K. T., & Usmanov I. A. (2021). Organizasionnye aspekty realizatsii strategii razvitiya stroitelnoy otrassli Uzbekistana. Nedvijimost: ekonomika, upravleniye, (4), 70–74.

9. Буриев, Х. Т., and И. А. Усманов. "ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА СТРОИТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН." *Россия: тенденции и перспективы развития* 17-1 (2022): 363-371.
10. Буриев, Хаким Тошимович, and Ильхом Ачилович Усманов. "A development strategy for the construction industry in Uzbekistan: organizational aspects of implementation." *Недвижимость: экономика, управление* 4 (2021): 70-74.
11. Буриев, Х. Т., and И. А. Усманов. "Основные направления развития сферы строительства в Республике Узбекистан." *Актуальные вопросы экономических наук* 42 (2015): 52-56.
12. Горфинкель, В. Я. *Инновационный менеджмент: учебник* / под ред. В.Я. Горфинкеля, Т.Г. Попадюк. – 4-е изд., перераб. и доп. – Москва: Вузовский учебник: ИНФРА-М, 2021. – 380 с.
13. Джабриев, А. Н., and Х. Т. Буриев. "Пути внедрения систем менеджмента качества." *Экономика и финансы (Узбекистан)* 1-2 (2010): 25-29.
14. Йўлдошев Н.К. ва бошқалар. "Инновацион менежмент" Дарслик.Т.: ТДИУ, 2012.
15. Усманов, И. А., and Х. Т. Буриев. "Пути совершенствования стимулирования повышения качества работ в сельском строительстве." *Экономический вестник Донбасса* 1 (51) (2018): 160-163.
16. Усманов, И. А., and Х. Т. Буриев. "Совершенствование механизмов стимулирования повышения качества в сельском строительстве." *Current scientific research.* 2017. 54-57.
17. Суюнов, А. С., Х. Т. Буриев, and С. З. Буриева. "АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН." *Развитие рынков "зеленого" финансирования в России и мире.* 2020.
18. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси расмий сайти.  
[www.samstat.uz](http://www.samstat.uz)

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

